



ИЛДИЗПОЯЛИ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАРНИНГ ЎСИШ ВА РИВОЖЛАНИШ БИОЛОГИЯСИ

Аннамуратова Д. Р.
б.ф.н., доцент. УрДУ.

Бектурдиева Г.
1-курс магистр., УрДУ

Жаҳон миқёсида доривор ўсимликлар ва улардан ажратиб олинadиган биологик фаол бирикмалар янги дори воситаларининг қимматли манбалари ҳисобланади, шу боисдан ҳам бутун дунёда уларни замонавий тиббиётда қўллаш борасида қизиқишлар ортиб бормоқда. Европа мамлакатларида 1300 дан ортиқ дори воситалари табиий доривор ўсимликлардан олинган бўлиб, АҚШ да рецепт бўйича бериладиган 150 та асосий дори воситаларидан тахминан 118 таси келиб чиқиши билан уларнинг хом ашёларига асосланган. Силлиқ ширинмия халқ табобатида асрлар давомида қўлланилган қимматли доривор ўсимлик ҳисобланади [1;147-150-б.]. Айнан, силиқ ширинмиянинг ширин таъми туфайли турли хил йиғма чойларнинг таъмини яхшилаш учун ҳам ишлатилади. Тибет халқ табобати тиббиётининг мураккаб турдаги йиғма чойлар тўплamlарининг тахминан 70% қизилмия илдизини ўз ичига олади. Силлиқ ширинмия илдизидан танланган кўплаб биологик фаол бирикмалардан фақат бир нечта асосийлари тўғридан-тўғри ишлатилади, булар – тритерпен бирикмалари орасида - глицирризин кислотси (ГК) ва унинг ҳосилалари, унинг агликон - глицеритин (глициритик) кислота (ГЛК) ва унинг ҳосилалари; фенолик бирикмалардан - флавоноидлар, углеводлардан – полисахаридлар [2; 26-41- б.]. Бу гуруҳнинг энг машҳур бирикмаларидан бири глицирризин кислотасининг аммоний, калий, кальций ва магний тузлари шаклида табиатда уч асосли органик кислотанинг тузи бўлган тертерпен сапонин гликозидидир [3; 76-81- б.]. Бундан ташқари силлиқ ширинмия илдизи турли минерал компонентларга ҳам бой - темир, мис, алюминий, селен, рух, марганец, калий ва бошқалар.



Силлиқ ширинмия препаратлари кўп қиррали биологик фаолликка эга. Бу препаратлар юқори нафас йўллариининг яллиғланиши касалликларида, нафас олиш патологиялари ва бошқа баъзи касалликларни даволашда қўлланилади [4; 112-115 - б.].

Бугунги кунда силлиқ ширинмия илдизи йўтал, бронхит ва трахеитни даволашда ишлатилади. Ушбу доривор хом ашё, айниқса, болалар йўтали сироплари таркибида муҳим компонент ҳисобланади. Унинг таркибидаги флавоноидлар спазмларни камайтиради, сапонинлар эса бронхларда балғамни организмдан чиқиб кетишига ёрдам беради. Сироп болаларда кўнгил айланиши ва қайт қилиш каби ножўя таъсирларни келтириб чиқармайди. Болалар учун қизилмиянинг маълум бир вирусларга қарши ва антисептик хусусияти ҳам мавжуд.

Ҳозирги вақтда замонавий тиббиётда силлиқ ширинмия инсон организмида овқат ҳазм қилиш тизимининг турли касалликларини даволашда кенг қўлланилмоқда, шунингдек, яллиғланиш касалликларини олдини олишда ёрдам беради.

Бўёқдор рўян – ҳозирги вақтда фитотерапия амалиётида жуда кўп миқдордаги доривор ўсимликлар қўлланилади, улардан бири бўёқдор рўян (*Rubia tinctorum* L.) ўсимлигидир [5; 976-б.].

Рўяндошлар авлоди 55 та турни ўз ичига олади, лекин, фақат 2 та турида шифобахшлик хусусиятлари аниқланган. Булар – бўёқдор рўян (*Rubia tinctorum* L.) ва грузия рўяни (*Rubia iberica* C. Koch.) [6; 208-б.].

Гиппократ, Диоскорид, Гален, Абу Али Ибн Сино ва бошқа таниқли табиблар, буйрак ва жигар касалликлари ва яраларни даволаш учун бўёқдор рўян ўсимлигидан фойдаланганлар ҳамда унинг шифобахш хусусиятлари ҳақида ёзишган. Аммо тибетлик табиблар худди шу касалликларни даволашда бўёқдор рўяннинг бошқа тури – юраксимон рўян ўсимлигидан фойдаланганлар.

Халқ табobatiда, терапевтик мақсадларда, бўёқдор рўян ўсимлиги инсон организми тонусини оширувчи, иситмани пасайтирувчи, тинчлантирувчи, организмда модда алмашинувини фoллаштирувчи, иштаҳа оширувчи,



спазмалетик ва сийдик ҳайдовчи ҳамда буйракдаги тошларини (фосфатларни) юмшатувчи восита сифатида фойдаланилган. Хозирда расмий тиббиётда бўёқдор рўяннинг илдизи ва илдизпояси ишлатилади.

Бўёқдор рўян препаратлари асосан урологик касалликларда, буйраклар ва сийдик йўлларида фосфатларни (майда тошлар ва қум) ўз ичига олган тошларнинг тушириш ва майдалаш пайтида спазмларни бартараф этиш ва оғриқни камайтириш учун ишлатилади. Шунингдек, жарроҳликдан кейин сурункали касалликларни қайталанишини олдини олишда, ҳамда ўт пуфаги тош ва подагра касалликларини даволашда қўлланилади.

Қалампир ялпиз – Қалампир ялпиз (*Mentha piperita* L.) XVI асрдан маълум кўп йиллик илдизпояли ўт ўсимлик. Биринчи бўлиб ушбу ўсимликни расман 1721 йилда Англия фармакопоеясига киритишган.

Қалампир ялпиз тиббиётда кенг қўлланилувчи ва дунё бўйича эфир мойи ишлаб чиқаришда кенг қўлланилувчи доривор ўсимлик ҳисобланади. Шу билан бирга антисептик, микробларга қарши, ялиғланишга қарши, спазмалитик, сафро ҳайдовчи ароматик ўсимлик. Қалампир ялпиз озиқ-овқат, парфюмерияда, косметика саноатида ҳам кенг қўлланилади. Сўнги йилларда мутахассислар ушбу ўсимликга фитонцид ҳосил қилувчи ҳамда шаҳарлар экологиясига ижобир таъсир қилувчи декоратив ўсимлик сифатида ҳам қарашмоқда.

Дунё бўйича қалампир ялпиздан йилига 11800 тонна эфир мойи ишлаб чиқарилиб, Ҳиндистон қалампир ялпиз мойи, кристалл ментол ва терпен каби маҳсулотларни экспорт қилишда етакчи ўринни эгаллайди. Хозирда ўсимликлардан олинадиган эфир мойига бўлган талаб юқори бўлиб, эфир мойли ўсимликлар ичида қалампир ялпиз лидер ҳисобланади [7; 299-304 б.]. Ўсимликнинг барча қисмларида эфир мойи мавжуд бўлиб унинг миқдори 0,1-5,5% оралиғида ўзгариб туради. Эфир мойи таркибидаги ментол кўпчилик томиркенгайтирувчи, тинчлантирувчи, оғриқ қолдирувчи ва микробларга қарши қўлланиладиган дори воситалари учун асосий компонентлардан бири бўлиб хизмат қилади.



Фойдаланилган адабиётлар

1. Гаврилов М.В., Сенченко С.П., Тамирян А.М. и Печенова А.В. Совершенствование способов оценки качества корней и сиропа солодки. Химия растительного сырья. 2009. 4: С.-147-150.
2. Круглов Д.С. Лекарственные средства применяемые для профилактики и лечения железодефицитных состояний // Научное обозрение. Медицинские науки. – 2017. – № 4. – С. 26-41.
3. Мамин В.Ф., Зинченко Е.В., Кошкарлова Т.С., Вронская Л.В., Круглякова Н.Г. Формация *Glycyrrhiza glabra* L. в Волго-Ахтубинской пойме. состояние и экологические лимиты добычи лакричного корня // Успехи современного естествознания. – 2020. – № 9. – С. 76-81.
4. Эсанов Р.С. Якубова Н.Х, Гафуров М.Б, Юлдашев Х.А. Супрамолекулярные комплексы моноаммонийной соли глицирризиновой кислоты с коричной кислотой // Наука и образование в современном мире: вызовы XXI века. Международная научная конференция 10-12 декабря 2019 г. Нур-Султан. С.112-115.
5. Соколов, С.Я. Фармакотерапия и фитофармакология: руководство для врачей. – М.: ООО «Медицинское информационное агентство», 2000. – 976 с.
6. Куркин В.А., Шмыгарева А.А., Саньков А.Н. Антраценпроизводные фармакопейных растений. – Самара: Офорт, 2016. – 208 с.
7. Касимовская Н.Н., Персидская К.Г., Дубовик Н.А. Использование биологических особенностей *Mentha piperita* L. в медицине, косметике, пищевой промышленности и в животноводстве // В сб. «Лесные биологически активные ресурсы». Хабаровск: Дальневосточный НИИ лесного хозяйства. 2007. С. 299-304.